ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

| | |
|---|---|
| "ТАСДИҚЛАЙМАН" | "КЕЛИШИЛДИ" |
| ТМИ Ректори в.в.б. | Олий ва ўрта махсус таълим |
| С.Меҳмонов | вазирлиги |
| ________________ | ________________ |
| 202 0 йил "27" 06 | 202 0 йил "14" 08 |

Рўйхатга олинди: №БД-5230600
2020 йил "14" 08

# МОЛИЯ БОЗОРИ ВА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## ФАН ДАСТУРИ

| | | |
|---|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 200000 – | Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ |
| **Таълим соҳалари:** | 230000 – | Иқтисод |
| **Таълим йўналиши:** | 5230600 – | Молия ва молиявий технологиялар |

**Тошкент-202_**

<table>
<tr><td colspan="2">Фан/модуль коди<br>FMT3318</td><td>Ўқув йили<br>2020-2021</td><td>Семестр<br>5-8</td><td colspan="2">ECTS - Кредитлар<br>18</td></tr>
<tr><td colspan="2">Фан/модуль тури<br>Мажбурий</td><td colspan="2">Таълим тили<br>Ўзбек/рус</td><td colspan="2">Ҳафтадаги дарс соатлари<br>4</td></tr>
<tr><td rowspan="2">1.</td><td>Фаннинг номи</td><td>Аудитория машғулотлари (соат)</td><td>Мустақил таълим (соат)</td><td>Жами юклама (соат)</td></tr>
<tr><td>Молия бозори ва молиявий технологиялар</td><td>240</td><td>300</td><td>540</td></tr>
<tr><td>2.</td><td colspan="5">Фаннинг мазмуни<br>Фанни ўқитишдан мақсад – молия бозорининг иқтисодий моҳияти, вужудга келиши, ривожланиш босқичлари ва моделлари, пул бозори хусусиятлари ва молия бозори шаклланишидаги аҳамияти, акциялар бозорининг ўзига хос хусусиятлари ва амал қилиш механизми, облигациялар бозорининг ўзига хос хусусиятлари ва савдо механизми, давлат қимматли қоғозлар бозори амал қилиш шарт-шароитлари, ҳосилавий қимматли қоғозлар бозорининг молия бозори бошқа секторлари билан боғлиқлиги, ипотека қимматли қоғозлар бозори муомаласи тартиби, хорижий валюталар бозорининг молия бозоридаги ташкилий жиҳатлари, криптоваюталар бозорининг ишлаш механизми, қимматбаҳо металлар ва тошлар бозори хусусиятлари, молия бозорининг индикаторлари ва индекслари, молия бозори рисклари ва уларни баҳолаш, фонд биржалари ва фонд бозори иштирокчилари фаолият механизми, марказий банк ва унинг молия бозоридаги фаолияти, молия бозорида тижорат банклари ва нобанк кредит институтларининг иштироки, инвестиция ва пай фондларининг молиявий операциялардаги аҳамияти, молия бозорида суғурта ташкилотлари ва нодавлат пенсия фондларининг фаолият механизми, молия бозорини тартибга солишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари билан яқиндан таништиришдан иборат.<br>Фаннинг вазифаси –акциядорлик жамиятлари молияси, молия-саноат гуруҳлари ва трансмиллий корпорациялар фаолият механизми, холдинг компаниялари молияси, масъулияти чекланган жамиятлар молияси, қўшма корхоналар молияси, қимматли қоғозлар бозорида фаолиятни ташкил этиш, молиявий назорат, молия бозоридаги</td></tr>
</table>

операцияларни юритиш, ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш, корпоратив тузилмалар молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини ўргатишдан иборат.

**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**1-модул. Молия бозорининг умумий асослари**

**1-мавзу. Молия бозорининг назарий асослари.**

Молия бозорининг иқтисодий моҳияти. Молия бозорининг иқтисодиётдаги аҳамиятли жиҳатлари. Дунё миқёсида молия бозорининг ташкил этилиши. Молия бозори иштирокчилари. Молия бозори институтлари. Молия бозорида воситачилар типлари. Молия бозорининг таркибий тузилиши. Пул бозори. Капитал ҳаракати. Капитал бозори. Қимматли қоғозлар бозори.

**2-мавзу. Молия бозорининг Англосаксон модели.**

Молия бозорини моделлашнинг моҳияти ва аҳамияти. Молия бозори моделлари.Қимматли қоғозларнинг бозорда жойлаштириш хусусиятлари. Қимматли қоғозлар бозори орқали молиялаштириш. Банк модели. Молия бозорининг англо-саксон модели. Ауцайдерлик модели. Молия бозорининг ислом модели. Молия бозори моделларининг фарқли томонлари.

**3-мавзу.Молия бозорининг Континентал (немис) модели.**

Немис моделининг хусусиятлари. Молия тизими. Молия бозорининг алоҳида хусусиятлари. Қимматли қоғозларнинг бозорда жойлаштириш хусусиятлари. Банк кредитлари ёрдамида молиялаштириш. Мамлакатимиз молия бозорининг ривожланиш модели ва истиқболлари.

**4-мавзу. Пул бозори**

Пул бозорининг иқтисодий моҳияти. Пул бозорининг вужудга келиши. Пул бозорининг қўлланиш хусусиятлари. Пул бозори иштирокчилари.Давлат, тижорат банклари, корхоналар ва бошқалар пул бозори иштирокчиси сифатида. Пул бозори инструментлари: давлат қисқа муддатли қимматли қоғозлари, қайта сотиб олинувчи шартномалар, депозит сертификатлари, тижорат қоғози ва бошқалар. Давлат қисқа муддатли қимматли қоғозларининг дисконт ставкалари. Пул бозори инструментлари даромадлилиги ва рисклилик даражаси. Республикамизда пул бозори амал қилиш механизми. Пул бозорида

| | |
|---|---|
| | қисқа муддатли кредитларнинг ажратилиш тартиби.<br><br>**5-мавзу. Облигациялар бозори**<br>Облигациялар молия бозорининг муҳим инструменти. Облигациялар эмитентлари. Облигациялар таснифи. Давлат облигациялари. Муниципал облигациялар. Корпоратив облигациялар ва уларни муомалага чиқариш шартлари. Хорижий облигациялар. Муддатига кўра облигациялар турлари. Жойлаштириш шаклига кўра облигациялар турлари. Купон тўловларига кўра облигациялар турлари. Таъминланган ва таъминланмаган облигациялар. Конвертацияланувчи облигациялар. Облигациялар қиймати ва даромадлилиги. Ўзбекистон облигациялар бозоридаги ҳолат.<br><br>**6-мавзу. Акциялар бозори**<br>Акциялар ва уларнинг қўлланиш хусусиятлари. Оддий ва имтиёзли акциялар. Конвертацияланувчи имтиёзли акциялар. Акциялар акциядорлик жамиятлари фаолиятининг асоси сифатида. Акциялар бозори ўзига хос хусусиятлари. Акциялар эмитентлари. Акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш. Акцияларни давлат рўйхатидан ўтказиш. Акцияларни жойлаштириш. Акцияларни қайтариб сотиб олиш. Акция курси. Акциялар номинал қиймати ва бозор баҳоси. Акциялар даромадлилиги. Ўзбекистон акциялар бозори ҳолати.<br><br>**7-мавзу. Ҳосилавий қимматли қоғозлар бозори**<br>Ҳосилавий қимматли қоғозларнинг иқтисодий моҳияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳосилавий қимматли қоғозлар молия бозори инструментлари сифатида. Ҳосилавий қимматли қоғозларнинг функциялари. Ҳосилавий қимматли қоғозлар турлари. Форвард шартномалари. Фючерс шартномалари ва турлари. Опцион шартномалари. Опционлар турлари. Америка опционлари. Европа опционлари. Опционлар бўйича базавий активлар. Своплар иқтисодий моҳияти. Своплар турлари. Валюта свопи қўлланиш хусусиятлари.<br><br>**8-мавзу. Ипотека қимматли қоғозлар бозори**<br>Ипотека. Ипотека кредити. Ипотека кредити. Ипотека қимматли қоғозлари. Ипотека ва ипотека кредитлаш амалиётини молиявий таъминлаш. Ипотека қимматли қоғозлари таснифи ва тавсифи. Ипотека облигацияларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш.<br>Ипотека бозори моделлари ва қўлланиш хусусиятлари. Анъанавий |

| | |
|---|---|
| | модел (битта босқичли, европа модели) ўзига хос хусусиятлари. Ипотека бозорининг икки босқичли америка модели амал қилиш механизми. Ссуда-жамғарма модели қўлланилиши. Республикамизда ва хорижий мамлакатларда ипотека бозори амалдаги ҳолати.<br><br>**9-мавзу. Хорижий валюта бозори**<br>Халқаро валюталар бозори вужудга келишига объектив зарурат. Хорижий валюталар бозори ташкилий жиҳатлари. Валюта айирбошлаш курслари ва уларни аниқлаш. Халқаро валюта бозорида айирбошлаш курсларининг белгиланиши. ФОРЕХ операциялари. ФОРЕХ афзалликлари ва камчиликлари. Валюта бозорида савдони амалга ошириш тартиби. Валюта захиралари.<br><br>**10-мавзу. Қимматбаҳо металлар бозори**<br>Қимматбаҳо металлар бозори хусусиятлари. Валюталар бўйича олтин стандарт бекор қилингача қимматбаҳо металлар бозори ривожланиши. Қимматбаҳо металлар бозори иштирокчилари: қазиб олувчи саноат корхоналари, қайта ишловчи саноат корхоналари, биржалар, инвесторлар, банклар, профессионал воситачилар. Олтин бозори амал қилиш механизми. Халқаро олтин бозорлари марказлари. Қимматбаҳо металлар савдосида ҳосилавий инструментлар қўлланилиши.Олтин бўйича своплар турлари: вақт бўйича своп (молиявий своп), металлнинг сифати бўйича своп, жойлашган жойига кўра своп. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлари шароитида олтин савдоси.<br><br>**2-модул. Молия бозори амалиёти**<br>**11-мавзу. Давлат қимматли қоғозлар бозори.**<br>Давлат қимматли қоғозлар иқтисодий моҳияти ва қўлланиш хусусиятлари. Давлат қимматли қоғозлари турлари. Давлат корхоналарининг қимматли қоғозлар билан амалга оширилувчи операциялари. Давлат облигациялари. Суверен евробондлар. Давлат қимматли қоғозларининг даромалилиги ва рисклилик даражасини баҳолаш.<br><br>**12-мавзу.Халқаро қимматли қоғозлар бозори**<br>Халқаро қимматли қоғозлар иқтисодий моҳияти ва қўлланиш хусусиятлари. Халқаро қимматли қоғозлар турлари. Халқаро акциялар ва облигациялар. Евроакциялар. Еврооблигациялар. Қисқа муддатли |

| | |
|---|---|
| | еврокоғозлар. Евродепозит сертификатлар. Депозитар тилхатлар. Америка депозитар тилхатлари. Глобал депозитар тилхатлар. Халқаро қимматли қоғозлар бозори амал қилиш механизми. Халқаро қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари. Халқаро қимматли қоғозлари чиқаришда эмитентга қўйиладиган талаблар. Халқаро қимматли қоғозлар афзалликлари ва камчиликлари. Мамлакатимиздаги эмитентлар томонидан халқаро қимматли қоғозлар муомалага чиқариш.<br><br>**13-мавзу.Ислом қимматли қоғозлар бозори.**<br>Ислом молияси моҳияти. Ислом қимматли қоғозлари. Мушорака (шерикчилик) асосида молиялаштириш. Сукук орқали капитал жалб қилиш. Мамлакатимизда ислом молия бозорини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар. Ислом молия бозори институтлари. Ҳалқаро Ислом Молия Бозори (IIFM).<br><br>**14- мавзу. Молия бозорини тартибга солиш**<br>Молия бозорини тартибга солишга объектив зарурат. Молия бозорини тартибга солиш усуллари. Молия бозорида ўзини ўзи тартибга солиш. Молия бозорини давлат томонидан тартибга солиш. Молия бозорини тартибга солишда давлатнинг функциялари. Мамлакатимизда молия бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органлари. Молия бозорини тартибга солишда мегарегулятор қўлланилиши. Молия бозорини тартибга солиш бўйича АҚШ, Буюк Британия ва Германия тажрибалари.<br><br>**15-мавзу. Молия бозорининг фундаментал таҳлили**<br>Молиябозоритаҳлилининг ташкилий хусусиятлари. Қимматли қоғозлар таҳлили. Молия бозори фундаментал таҳлил ва эътибор қаратиладиган жиҳатлар. Фундаментал таҳлилга таъсир этувчи омиллар. Эмитент жорий молиявий ҳолати фундаментал таҳлили.<br><br>**16-мавзу. Молия бозорининг техник таҳлили**<br>Молия бозори техник таҳлили. Молия бозори таҳлилида трендлар. Япон шамлари турлари ва моделлари. Айиқлар ва буқалар жанги. Бозордаги ўзгаишлар динамикаси. Пандемия шароитида молия бозордаги ўзгаришлар таҳлили<br><br>**17-мавзу.Молия бозори рисклари ва портфелни бошқариш**<br>Молия бозори рисклари: моҳияти, асосий турлари ва баҳолаш |

| | |
|---|---|
| | усуллари. Бозор рисклари. Фонд риски. Фоиз риски. Валюта риски. Тизимли риск ва уни аниқлаш индикаторлари. Портфел назарияси: Марковицгача ва ундан кейинги баҳолаш усуллари. Индексга боғлиқ портфел самарадорлик мезони. Молия бозори рискларини пасайтириш ва олдини олиш имкониятлари.<br><br>**18-мавзу. Фонд биржалари**<br>Фонд биржаси функциялари ва ташкилий тузилмаси. Фонд биржаси фаолият принциплари. Фонд биржаси инфратузилмаси ва биржа савдолари иштирокчилари. Фонд биржа савдолари механизми. Биржа аукциони турлари.<br><br>**19-мавзу. Фонд бозори профессионал иштирокчилари**<br>Инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция фонди, инвестиция активларини ишончли бошқарувчи, транфер-агент, қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси, дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар. Қимматли-қоғозлар депозитарийси фаолият механизми.. Тошкент РФБ. ЕЛСИС-САВДО.<br><br>**20-мавзу. Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси.**<br>Ҳисоб-китоб клиринг палатаси (ҲКП) институти вазифлари.Клиринг.Клиринг электрон тизими. Фонд бозори профессионал иштирокчиси сифатида фонд биржасидаги фаолияти. Савдоларни ташкил этиш ва амалга ошириш. Фаолиятининг хуқуқий асослари.<br><br>**21-мавзу.Молия бозорида банклар ва нобанк кредит институтлари**<br>Молия бозорида банкларнинг иштироки. Тижорат банклари эмитент сифатида. Банклар томонидан муомалага чиқариладиган молиявий интрументлар. Банклар молиявий воситачилар ва савдо ташкилотчилари сифатида. Банкларнинг фаол инвестор сифатидаги фаолияти. Молия бозорида нобанк кредит институтлари. Пул бозорида нобанк кредит институтлари фаолият механизми. Микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг молия бозоридаги фаолияти хусусиятлари.<br><br>**22-мавзу. Инвестиция ва пай фондлари**<br>Инвестиция фондларининг иқтисодий моҳияти ва юзага келиши. Инвестиция фондларининг бозор шароитидаги аҳамиятли жиҳатлари. Хорижий амалиётда инвестиция фондлари ташкилий тузилмаси. |

| | |
|---|---|
| | Мамлакатимизда коллектив инвестициялаш амалиётининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Инвестиция фондларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби. Инвестиция фондлари инвестиция портфелини диверсификациялаш. Мамлакатимизда инвестиция фондлари фаолиятининг амалий жиҳатлари. Пай фондлари ташкилий жиҳатлари ва фаолият тартиби.<br><br>**3-модул. Молиявий технологияларнинг умумий асослари**<br>**23-мавзу. Молиявий технологиялар моҳияти: юзага келиш шарт-шароитлари ва ривожланиш истиқболлари**<br>Молиявий технологиялар пул оқимларини бошқаришга қаратилган рақамли технологиялар. Фан предмети рақамли технлогиялар воситасила амалга ошириладиган молиявий муносабатларни ўрганишдир. “Молиявий технологиялар” фанининг мақсади талабаларнинг иқтисодиёт тармоқларида молиявий технологиялар қўлланилиши борасидаги билим олишларини таъминлашдир. “Молиявий технологиялар” фанининг вазифалари: иқтисодиёт тармоқларида молиявий технологиялар қўлланилишини ўрганиш; рақамли иқтисодиётда молиявий технологияларнинг ролини ўрганиш ва ҳокозолар.Молиявийтехнологиялар мазмун-моҳияти. Молиявий технологиялар юзага келишига объектив зарурат. Молиявий технологиялар пайдо бўлишини тақозо қилган жиҳатлар. Молиявий технологиялар ривожланиш босқичлари. Рақамли технологияларнинг молия соҳасига жорий этилиши афзалликлари ва муаммоли жиҳатлари.<br><br>**24-мавзу. Рақамли иқтисодиётда молиявий технологиялар роли**<br>Тўртинчи саноат инқилоби. Рақамли технологиялар. Иқтисодиётнинг рақамлашуви ва унинг мамлакатлар тараққиётига таъсири. Рақамли платформалар. Иқтисодий рақамли платформалар. Ижтимоий рақамли платформалар. Бошқарув рақамли платформалари. Электрон ҳукумат. Электрон ҳужжат айланиши. Электрон рақамли имзо. Рақамли иқтисодиёт мазмун-моҳияти. Рақамли иқтисодиёт маҳсулотлари. Глобал рақобат шароитида рақамли иқтисодиёт афзалликлари ва устуворликлари. Рақамли иқтисодиёт муаммолари. Миллий доирада рақамли иқтисодиёт кўлами. Халқаро доирада рақамли иқтисодиёт амал қилиши. Таълимда рақамли технологиялар.<br><br>**25-мавзу. Молия бозорида интеллектуал тизимлар**<br>Молия бозорларида молиявий технологиялардан ўрни, молиявий |

технологияларнинг ривожланиши, мобил илова дастурлари, веб платформалари, молиявий хизматлар соҳасини ривожлантиришда интеллектуал тизимлардан фойдаланиш истиқболлари.

**26-мавзу. Молиявий технология соҳалари**

Электрон тўловлар, капитал ва кредит, инвестицияларни, бошқариш, криптовалюталар, блокчейн технологиялар, криптобиржалар, онлайн савдолар, мобил тўлов тизимлари, онлайн суғурта хизматлари, crowfunding, P2P.

**27-мавзу. Криптовалюталар бозори ва блокчейн технологиялар**

Крипто активлар. Криптовалюта – рақамли валюта сифатида. Криптовалюталарнинг иқтисодий моҳияти ва юридик статутуси хусусидаги баҳсли ҳолатлар. Криптовалюта турлари. Криптовалюталар қўлланиш хусусиятлари. Криптовалюталар билан операциялар: сотиб олиш ва сотиш. Блокчейн технологиялари. Майнинг. Биткоин. Ўзбекистонда криптоактивлар муомаласини ташкил этиш. Блочейн технологиялар тарихи, блокчейн рақамли реестр, блокчейн лойихаларини молиялаштириш, блокчейн технологияларининг истиқболлари, криптовалюталарнинг афзалликлари ва камчиликлари, критповалюталарнинг истиқболари.

**28-мавзу. Рақамли ва мобил ҳамёнлар**

Мобил хамёнларнинг афзалликлари, молиявий технологияларда мобил пул ўтказмаларининг салмоғи Анъанавий пул ўтказмалари ва мобил пул ўтказмаларининг фарқли томонлари ва устунликлари, мобил хамёнларнинг молия ва банк хизматлари сохасидаги истиқболлари, PayPal, Square Cash, Google Wallet, Guiabolsa,

**29-мавзу. Онлайн ва мобил банкинг**

Веб браузерлари орқали банк хизматларини амалга ошириш, мобил дастур иловалари орқали банк ҳисобварақларини юритиш, Масофавий банк тизимининг аҳамияти, мобил банкнинг анъанавий банкдан афзалликлари, BBVA, Wells Fargo, Santander онлайн ва мобил банкинг платформалари.

**4-модул. Молиявий технологиялар амалиёти**

**30-мавзу. P2P технологиялар**

P2P пўл ўтказмалари ҳақида тушунча ва анъанавий пул

ўтказмаларидан фарқли томонлари, мобил ва рақамли хамёнлар орқали P2P пул ўтказмалари, трансфер билан шуғилланувчи финтех компаниялари, P2P ўтказмаларининг афзалликлари ва истиқболлари, WorldRemit, TransferWise, Remitly.

**31-мавзу. Электрон валюта биржалари (FX Fintech)**

Онлайн валюта савдолари, FX Fintech компанияларининг молия бозорларидаги ўрни, P2P технологиялари орқали валюталарни айрибошлаш, Валюта айрибошлаш технологиялари истиқболлари, BITSO, Kuarix, Kantox FX Fintech провайдерлари

**32-мавзу. Инвестицияни бошқариш хизматлари**

Финтех компанияларининг инвестициялар бозоридаги иштироки, инвестиция фаолиятини амалга оширишда молиявий технологияларнинг ўрни, инвестиция хизматлари таркиби, Финтех компаниялари орқали кўрсатиладиган инвестиция хизматларининг афзалликлари

**33-мавзу. Робо-маслаҳатчи (robo-advisor)**

Молиявий бозорини ривожлантиришнинг янги босқичида Робо-маслаҳатчиларнинг ўрни, Big-Data, маълумотлар базасидан фойдаланиш, робо-маслаҳатчи технологиялар инвестицияларни бошқаришнинг янги босқичи, Робо-маслахатчиларнинг молиявий технологиялардаги салмоғи, FutureAdvisor.

**34-мавзу. Crowfunding ва муқобил капитал**

Лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг янги босқичи, Crowfunding молиялаштиришнинг устунликлари ва хусусиятлари, Crowfunding молиялаштиришнинг молиявий рискларга таъсирчанлиги, Crowfunding – сармоя, Crowfunding – мукофот, Crowfunding – ёрдам, Crowdcube, Crowdfunder, Seedrs, IndieGoGo, KickStarter, GoFundMe

**35-мавзу. Онлайн суғурта технологиялари**

Суғурта бозорини ривожлантиришнинг янги босқичи, Суғурта шартномаларини онлайн амалга ошириш, Шахсий суғурта аккаунтларини юритиш, суғурта хизматларидан осон ва қулай фойдаланиш, Суғурта технологияларини молиявий технологиялар бозоридаги салмоғи, Sureify, BIMA Mobile.

| | |
|---|---|
| | **36-мавзу. Молиявий ташкилотларда молиявий технологиялар хусусиятлари ва уларни жорий этиш.**<br>Молиявий ташкилотлар молиявий технологиялар яратувчиси ва таклиф қилувчиси сифатида. Молиявий ташкилотлар молиявий технологиялар истеъмолчиси сифатида.Молиявий ташкилотларда молиявий технологиялар орқали сарф-харажатларни камайтириш имкониятлари. Молиявий ташкилотларда молиявий технологиялар орқали хизматларни автоматлаштиришнинг рақамли иқтисодиётдаги роли. Молиявий ташкилотларда молиявий технологиялар орқали хизматлар сифатини ошириш имкониятлари. Молиявий ташкилотларда молиявий технологиялар жорий этиш бўйича мутахассислар жалб қилиш. Молиявий ташкилотларда молиявий технологиялар жорий этиш бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил этиш. Банкларда замонавий молиявий технологиялар жорий этиш истиқболлари. Суғурта ташкилотларида замонавий молиявий технологиялар жорий этиш истиқболлари. Фонд бозорида замонавий молиявий технологиялар жорий этиш истиқболлари.<br><br>**37-мавзу. Молиявий технологиялар қўлланилиш самарадорлигини баҳолаш**<br>Молиявий технологиялар қўлланилиши натижасида ижтимоий самарадорлик. Молиявий технологиялар қўлланилиши натижасида иқтисодий самарадорлик. Молиявий технологиялар қўлланилиши натижасида молия институтлари самарадорлиги. Молиявий технологиялар қўлланилиши натижасида рақамли хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бориши. Молиявий технологияларни жорий этиш харажатлари ва қўлланилиши натижасида олинадиган даромадлар.<br><br>**III. Амалий машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар**<br>***(Семинар машғулотлари), (Мустақил таълим)*** *ўқув режада кўрсатилган тури (номи) бўйича ёзилади)*<br><br>Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:<br>1-модул. Молия бозорининг умумий асослари<br>1. Молия бозори ва молиявий технологияларнинг назарий асослари<br>2. Молиявий технологиялар моҳияти: юзага келиш шарт-шароитлари ва ривожланиш истиқболлари<br>3. Пул бозори<br>4. Облигациялар бозори<br>5. Акциялар бозори<br>6. Ҳосилавий қимматли қоғозлар бозори |

| | |
|---|---|
| | 7. Ипотека қимматли қоғозлар бозори<br>8. Хорижий валюта бозори<br>2-модул. Молия бозори амалиёти<br>9. Криптовалюталар бозори ва блокчейн технологиялар<br>10. Давлат қимматли қоғозлар бозори.<br>11. Халқаро қимматли қоғозлар бозори<br>12. Қимматбаҳо металлар бозори<br>13- мавзу. Молия бозорини тартибга солиш<br>14. Молия бозори таҳлили<br>15.Молия бозори рисклари ва портфелни бошқариш<br>16. Фонд биржалари ва фонд бозори иштирокчилари<br>17. Молия бозорида банклар ва нобанк кредит институтлари<br>18. Инвестиция ва пай фондлари<br><br>3-модул. Молиявий технологияларнинг умумий асослари<br>19. Молиявий ташкилотларда молиявий технологиялар хусусиятлари ва уларни жорий этиш.<br>20. Рақамли иқтисодиётда молиявий технологиялар роли<br>21. Молия бозорида интеллектуал тизимлар<br>22. Молиявий технология соҳалари<br>23. Рақамли ва мобил ҳамёнлар<br><br>4-модул. Молиявий технологиялар амалиёти<br>24. Онлайн ва мобил банкинг<br>25. P2P технологиялар<br>26. Электрон валюта биржалари (FX Fintech)<br>27. Инвестицияни бошқариш хизматлари<br>28. Робо-маслаҳатчи (robo-advisor)<br>29. Crowfunding ва муқобил капитал<br>30. Онлайн суғурта технологиялари<br><br>**IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**<br><br>1-модул. Молия бозорининг умумий асослари<br>1. Молия бозорида амалга ошириладиган битим ва операциялар;<br>2. Молия бозорининг иқтисодиётдаги аҳамияти ва ўрни;<br>3. Базавий (қарз ва улуш муносабатларини ифодаловчи) қимматли қоғозлар;<br>4. Ҳосилавий қимматли қоғозлар (деривативлар);<br>5. Молия бозори индикаторларини баҳолаш;<br>6. Суғурта ва пенсия фондларининг молия бозорларидаги фаолияти;<br>7. Банкларнинг молия бозорларидаги фаолияти;<br>8. Инвестиция институтларининг молия бозорларидаги фаолияти; |

| | |
|---|---|
| | 9. Давлат молия институтларининг молия бозорларидаги фаолияти ва роли;<br>2-модул. Молия бозори амалиёти<br>10. Халқаро молия институтларининг молия бозорларидаги фаолияти ва роли;<br>11. Криптовалюталар бозори: иқтисодий аҳамияти ва ривожланиш босқичлари;<br>12. Фонд биржаларининг фаолияти;<br>13. Электрон савдо тизимларининг фаолияти;<br>14. Молия бозори рисклари, уларни баҳолаш ва бошқариш;<br>15. Инвестицион портфелларни шакллантириш, баҳолаш ва бошқариш;<br>16. Молия бозорини давлат томонидан тартиблаштириш (мувофиқлаш-тириш ва назорат) қилиш;<br>17. Ўзини ўзи мувофиқлаштирувчи институтлар фаолияти;<br>18. Ўзбекистонда молия бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш механизмлари;<br>19. Молиявий глобаллашувда халқаро молия бозорларининг роли;<br><br>3-модул. Молиявий технологияларнинг умумий асослари<br>20. Молия бозори ва корпоратив бошқарувнинг ўзаро боғлиқлиги.<br>21. Иқтисодиётнинг рақамлашуви<br>22. Рақамли иқтисодиёт мазмуни ва кўламининг кенгайиб бориши<br>23. Рақамли иқтисодиётда молиявий технологиялар роли<br>24. Молиявий технологиялар моҳияти: юзага келиш шарт-шароитлари ва ривожланиш истиқболлари<br>25. Номолиявий сектор ташкилотларида қўлланиладиган молиявий технологиялар турлари<br>26. Молиявий ташкилотларда молиявий технологиялар хусусиятлари<br>27. Молиявий технологиялар қўлланилиш самарадорлигини баҳолаш<br>28. Молиявий ташкилотларда молиявий технологиялар жорий этиш<br>29. Молиявий технологиялар қўлланиш доирасининг иқтисодиёт глобаллашувига таъсири<br>30. Рақамли иқтисодиётда маълумотларни таҳлил қилиш ва унинг технологиялари<br>31. Молия бозорида интеллектуал тизимлар<br>32. Замонавий банк технологиялари<br>33. Иқтисодиётда юқори ҳисоблаш ва узатиш технологиялари<br>34. Бизнес таҳлили ва бошқариш технологиялари |

| | |
|---|---|
| | 4-модул. Молиявий технологиялар амалиёти<br>35. Молиявий технология соҳалари<br>36. Криптовалюталар ва блокчейн технологиялар<br>37. Рақамли ва мобил ҳамёнлар<br>38. Мобил савдо нуқталари (MPOS)<br>39. P2P технологиялар<br>40. Электрон валюта биржалари(FX Fintech)<br>41. Инвестицияни бошқариш хизматлари<br>42. Тезкор савдолар (HFT)<br>43. Молия бозорида иккиёқлама  савдолар (copy trading)<br>44. Робо-маслаҳатчи (robo-advisor)<br>45. Crowfunding ва муқобил капитал<br>46. Онлайн ва мобил банкинг<br>47. Онлайн суғурта технологиялари |
| **3.** | **V Фан ўқитилишинингнатижалари (шаклланадиган компетенциялар)**<br>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:<br>– молиябозорининиғиқтисодиймоҳиятиваасосийтушунчалари;<br>– молиябозорининигвужудгакелишиваривожланишбосқичлари;<br>– молиябозоримоделлари;<br>– қимматлиқоғозлартаснифланишиваасосийтурлари;<br>– пулбозорихусусиятларивамолиябозорирвожланишидагитутганўрни;<br>– молиявий технологиялар қўлланилиши, молия бозори институтлари фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини  билиши ва уларни қўллай олиши;<br>– молия бозорида молиявий технологиялар қўлланилишини давлат томонидан тартибга солиши;<br>– молиявий технологиялар қўлланилиши борасидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар бера олиши;<br>– криптовалюталар муомалага чиқариш ва улар муомаласини ташкил этиш;<br>– фонд биржаси ва биржадан ташқари бозорларда электрон савдо тизимлари орқали қимматли қоғозлар савдоларида иштирок эта олиш ва савдоларни амалга ошириш ҳақида ***тасаввур ва билимга эга бўлиши***;<br>– молиябозорининигиндикаторлариваиндексларинихисоблаш;<br>– молиябозоририскларинибаҳолашвабошқариш;<br>– фондбозорифаолиятмеханизминиташкилэтиш;<br>– молиябозоридатижоратбанклариванобанккредитинститутларини |

| | |
|---|---|
| | нгиштирокинийўлгақўйиш;<br>– инвестициявапайфондларинингмолиявийоперацияларинииташкил этиш;<br>– рақамли банк хизматларини жорий эта олиш ва кўрсата олиш;<br>– суғурта компанияларида онлайн суғурта хизматларини жорий эта олиш;<br>– электрон тўлов тизимларидан фойдалана олиш ва хизмат кўрсатиш;<br>– электрон пул ўтказмалари тизимидан фойдалана олиш ва хизматлар кўрсатиш;<br>– молиябозоридасуғуртаташкилотларивanoдавлатпенсияфондларинингфаолиятинийўлгақўйиш;<br>молиябозоринитартибгасолиш ***кўникмаларига эга бўлиши***;<br>– пулбозоридагиоперацияларамалқилишмеханизми;<br>– акцияларбозорининггўзигахосхусусиятлариваамалиймеханизми;<br>– облигацияларбозориваундасавдомеханизми;<br>– давлатқимматлиқоғозларбозориамалқилишшарт-шароитлари;<br>– ҳосилавийқимматлиқоғозларбозорининг молиябозорибошқасекторларибиланбоғлиқлиги;<br>– электрон савдо тизимларида савдоларни йўлга қўя олиш;<br>– депозитарийларда электрон кастодиан хизматларини жорий этиш ва кўрсата олиш;<br>– электрон инвестицион воситачилик хизматларини кўрсата олиш;<br>– валюта биржасида электрон тарзда валюта савдоларини амалга ошира олиши;<br>– товар-хом ашё биржасида онлайн харидлар ва сотувларни амалга ошира олиши ва савдолар бўйича хизматлар кўрсата олиши;<br>– тижорат банкларида молиявий операциялар бўйича онлайн хизматлардан фойдалана олиши ва хизматлар кўрсатиши;<br>қимматбаҳо металлар бозори ва унда савдо бўйича қарорлар қабул қилиш малакасига ***эга бўлиши керак.*** |
| **4.** | **VI. Таълим технологиялари ва методлари:**<br>– маърузалар;<br>– интерфаол кейс-стадилар;<br>– амлиёт билан таниш;<br>– бевосита биржа савдоларида мустақил иштирок этиш;<br>– семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); |

| | |
|---|---|
| | – гуруҳларда ишлаш;<br>– тақдимотларни қилиш;<br>– индивидуал лойиҳалар;<br>– жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар. |
| **5.** | **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш. |
| **6.** | **Асосий адабиётлар**<br>1. Элмирзаев С.Э. вабошқалар. “Молиябозори”. Дарслик.-Т.: “Иқтисод-молия”, 2019. -324 б.<br>2. Mishkin F.S., Eakins S.G. Finncial markets and institutions.-9th edition. –Pearson, 2018. – 694p.<br>3. Эскиндаров М.А., отв. ред. Звонова Е.А. Международный финансовый рынок. –Учебник и практикум для бакалавриат и магистратуры. — Москва : Издательство Юрайт, 2018. — 453 с.<br>4. А.Табернакулов,Я.Койфман. Блокчейн на практике. – М.: «Альпина Паблишер», 2019 – 260 б.<br>5. А.А.Лебедева. Цифровые технологии в финансовой сфере (на примере криптовалют). Неизбежность или осознанный выбор Российской Федерации: монография. – Москва: Проспект, 2019. –120 с.<br>**6.** Скиннер, Крис. Человек цифровой. Четвертая революция в истории человечества, которая затронет каждого / Крис Скиннер; пер. с англ. О. Сивченко; (науч. Ред. К.Щеглова). – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2019. –304 с.:ил.<br>**Қўшимча адабиётлар**<br>7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.<br>8. С.Ғуломов ва бошқ. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. -Т.: “Иқтисод-Молия”, 2019. - 447 б.<br>9. Susanne Chishti, Janos Barberis. The FinTech Book. The Financial Technology Handbook for Investors, Entrepreneurs and Visionaries. UK: Wiley, 2016. – 315 p.<br>10. Mark Graham. Digital economies at global margins. – USA: International Development Research Centre, 2019. – 390 p.<br>**Ахборот манбаалари**<br>11. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали. |

| | |
|---|---|
| | 12. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.<br>13. www.tradingeconomics.com – экономические показатели<br>14. www.uzse.uz-Тошкент Республик Фонд Биржаси расмий сайти<br>15. www.openinfo.uz-ягона корпоратив ахборот портали. |
| 7. | Фан дастури Олий ва профессионал таълим йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиклаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил "14" 08 даги 3 -сонли баённомаси билан маъқулланган.<br><br>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил"14" 08 даги 418 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган. |
| 8. | **Фан/модуль учун масъуллар:**<br>С.Э.Элмирзаев–ТМИ "Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар" кафедраси мудири, и.ф.д., профессор.<br>Н.Ш.Шавкатов–ТМИ "Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар" кафедраси ўқитувчиси |
| 9. | **Тақризчилар:**<br>А.Қаххоров-Давлат активларини бошқариш агентлиги департаменти бошлиги ўринбосари *(кадрлар буюртмачиси).*<br>А.Бурхонов –ТДИУ "Молия ва солиқлар" кафедраси, профессори, и.ф.д. *(турдош ОТМдан)* |

С. Элмирзаев